



Дилфуза АҲМЕДОВА
катта илмий ходим-изланувчи
Тошкент давлат шарқшунослик институти
dilakhmedova@mail.ru

СОН СЎЗ ТУРКУМИ ГАЗЕТА МАТНЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Мақолада эрон газеталари матнларида сон сўз туркумининг ўрни, унинг услубий ва функционал хусусиятларини ўрганилган. Лисоний ходисаларни таҳлил қилишда дискурс термининг қўлланиши масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда сонлар қаташган маълумотни етказишда инфографикадан фойдаланиш ривожланаётгани ва унинг маълумот етказишда самарали усуллардан эканлиги кўрсатилган.

В статье рассматривается роль и функции числительных, обозначенных цифрами в иранских газетных текстах. Делается вывод о возможности нового взгляда на цифровые обозначения, также рассматриваются вопросы использования термина дискурс в ходе анализа языковых явлений и актуальный прием визуализации информации – инфографика.

This article examines the role and functions of the numbers represented by figures in Iranian newspapers. The author considers the possibility of a new look at this sort of content as creolized texts. Also, touched upon the use of the term discourse in the analysis of linguistic phenomena. The article considers the actual device of information visualization – info graphics.

Калит сўзлар: газета публицистик услуби, сон сўз туркуми, нумерация, матн, маъно гуруҳи, эмоционал-экспрессив маъно, соннинг функционал хусусиятлари, инфографика.

Ключевые слова: газетно-публицистический стиль, имя числительное, нумерация, текст, тематическая группа, эмоционально-экспрессивное значение, цифра, цифровые обозначения, цифровой контент, функции цифровых обозначений, инфографика.

Key words: newspaper style, numbers, text, thematic group, figure numerals, numeral content, numerals, infographic.

Бутун дунё ижтимоий-сиёсий вазиятининг ўзгариб бориши, жамиятнинг янгиликларга бўлган талабини ошириб боради. Ҳаётимизда матбуот воситаларининг аҳамияти ошиб боргани сари, уни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда.

Ҳозирги кунда лингвистикада оммавий ахборот воситалари тилини номлашда яқдиллик кузатилмайди. Тил ходисаларини таҳлил қилиш

жараёнида *тил-услуг-дискурс-матн* терминларини қўлланмоқда(2, 4). Жумладан, Д. Мажидованинг мақоласида дискурс тушунчасини талқин қилишда замонавий тилшуносликда мавжуд айрим муаммолар ёритилган(7, 90–97). М.Р.Желтухина *оммавий ахборот воситалари тили* терминига синоним сифатида *масс-медиа дискурси, оммавий ахборот воситалари тили, масс-медия тили, оммавий информацион дискурс, оммавий ахборот воситалари дискурси, медиадискурс* каби терминларни қўллаш таклифини киритади(1, 23). Биз мақола доирасида газета матнлари терминини қўллашга қарор қилдик.

Сон сўз туркумининг қўлланиш доираси, асосан, аниқ фанлар доирасида бўлса-да, ахборотинг аниқлигини таъминловчи сўз туркуми сифатида газета матнларида кенг қўлланилади(5, 76).

Оммавий ахборот воситаларида миқдорий жиҳат ҳам ўқувчи, ҳам муаллиф диққат марказида бўлади. Газета матнларида сон сўз туркумининг фаол қўлланиши унинг ахборот бериш вазифаси ҳамда муаллиф маълумотининг аниқ бўлиши билан боғлиқ. Газета матнларидаги хабарнинг аниқ фактларга асосланиш зарурати, уларда сонларнинг фаол қўлланишидаги асосий омил саналади. Шу билан бирга сонлар газета матнларининг ўзига хос услубий жиҳатини ажратиб кўрсатувчи грамматик категориялар қаторига киради. Сон сўз туркуми – газета публицистикасида берилаётган ахборотнинг аниқ бўлишига хизмат қилувчи зарур элеменлардан ҳисобланади.

Сонлар вазифаси фақат соф фактуал маълумотни бериш билан чегараланмайди. Улар фақат аниқ маълумот беришда қўлланмай, эмоционал-экспрессив маънони ҳам англашиб келиши мумкин. Масалан, террористик акт, зилзила, бахтсиз ҳодиса натижасида қурбон бўлганлар сони, жиноятчилик билан курашиш кўрсаткичи, спорт рекордлари каби маълумотларнинг газетхонга ўқувчига таъсир қилмасдан иложи йўқ(3).

Бундай ҳолларда сон ўзининг информатив вазифасини йўқотмаган ҳолда, нутқда экспрессивликни ошириш учун хизмат қиладиган асосий омилга айланади. Бошқа услубларда сон сўз туркуми услубий нейтралликни сақлаб қолса-да, газета публицистикасида маълум вазиятда уларнинг информатив вазифаси экспрессив вазифа билан мураккаблашади.

Газета матнида сонни қўллаш маълумотни рационал тарзда етказиш ва ишончли кўрсатиш усулларидадир. Журналистлар иқтисодий шарҳ, ижтимоий фикр таҳлили, иқтисодчи, статист, социолог, сиёсатшунос, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари билан суҳбатини тақдим этганда, ўқувчи билан сонлар орқали мулоқот қилади(5, 6). Газета мақоласида келтирилган сон ўзига диққатни тортиб, бир оз фикрлашга мажбур қилади.

Лекин сонлардан фойдаланишда ҳам меъёрни унутмаслик зарур. Ҳаддан зиёд сонлар ҳам маълумотни қабул қилишни қийинлаштиради(6, 6).

Эрон газеталарида сон сўз туркумининг қўлланиши таҳлил этилганда, унинг, асосан, иқтисод ва спорт саҳифасида кенг қўлланиши маълум бўлди. Спорт журналистикасида сон сўз туркумининг ўрни ўзига хос. Очко, гол, секунд ва ҳоказолар ҳақида маълумот берувчи хабарларда сонлар ўзига хос стилистик вазифани бажаради. Янги спорт рекорди ҳақидаги қисқа хабарда сон сўз туркуми устунлик қилса, интервью ёки очеркда иккинчи даражали ўринга тушиб қолади.

Биз мақола доирасида сонларнинг газета матнларида қўлланиши доирасини аниқлашда, иқтисод саҳифасида қўлланган сонлар қатнашган бирикмаларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиб, таҳлил қилдик.

1. Соннинг пайтни билдирувчи сўзлар билан бирикмаси.

Кузатувлар натижаси соннинг *قرن، ساعت، روز، هفته، ماه، سال، قرن* сўзлари билан бирикиб келиш ҳолатлари сермахсуллигини кўрсатди.

مراد عليزاده در بخش دیگری از سخنانش به کاهش بدهی ارزی و ریالی شرکت مس در سال ۹۴ اشاره کرد و گفت: در ۴ سال پیش، بدهی ارزی و ریالی شرکت مس به بانکها ۱۷۰۰ میلیارد تومان بود

Эрон газеталарида йил ҳисоби берилганда ҳижрий 1395 йилнинг ўрнига 95 йил шаклида қисқартирилган ҳолатда келиши кўп учрайди

وزیر تعاون، کار و رفاه اجتماعی همچنین گفت: افزایش دستمزد کارگران در سال ۹۵ بیش از نرخ تورم خواهد بود.

بودجه سال ۹۵ در شرایطی تنظیم شد که شرایط سخت اقتصادیرا میگذرانیم.

2. Соннинг пул бирлигини англатувчи сўзлар билан бирикиб келиши.

Иқтисодга оид матнларда, асосан, соннинг пул ҳисобини англатиб келиш ҳолатлари кўп учрайди. Газета матнларида пул ҳисобини келтиришда аниқликка тўла риоя қилиш керак, акс ҳолда берилаётган маълумот иқтисодий абстракцияга айланиб қолади.

از زمان اجرای قانون هدفمند کردن یارانه ها در ۳ ماهه چهارم سال ۷۹ تا پایان شهریورماه ۹۴ جمعا ۲۱۹ هزار میلیارد تومان به مصرف رسیده که ۱۹۷ هزار میلیارد تومان معادل ۹۰ درصد به یارانه نقدی و نظام تامین اجتماعی، هزار و ۱۰۰ میلیارد تومان معادل نیم درصد به حمایت از تولید، 6 هزار و ۳۰۰ میلیارد تومان معادل ۳,2 به بهداشت، هزار و صد میلیارد تومان معادل نیم درصد حمایت غذایی و 14 هزار میلیارد تومان معادل 6,2 درصد به اشتغال جوانان و فارغ التحصیل دانشگاه ها و یارانه سود تسهیلات تامین مسکن حمایتی اختصاص یافته است.

3. Соннинг фоизни англатувчи бирикма билан бирикиб келиши.

Иқтисод саҳифасида сонларнинг фоиз билан бирикиб келиш ҳолатлари ҳам фаол қўлланувчи ҳолатлардандир. Ҳар қандай иқтисодга оид маълумотда

фоиз кўрсаткичи албатта кўрсатилади. Бир статистик характерга эга мақола деярли сон ва фоиз бирикмасида иборат бўлиш ҳолатлари кўп учрайди. аين ادعاى وى در حالى مطرح ميشود كه مركز آمار ايران، نرخ بيكارى پاييزرا ۱۰,7 در صد اعلام کرده است، در انتهای پاييز سال ۱۳۹۴، نرخ بيكارى جمعيت ۱۰ ساله و بيستر، ۱۰,7 در صد است و بر اساس اين نتايج، نرخ بيكارى در بين زنان نسبت به مردان و در نقاط شهري نسبت به نقاط روستائى بيستر بوده است.

4. Соннинг ўлчов бирлигини билдирувчи сўзлар билан бирикиб келиши:

а) соннинг оғирлик ўлчов бирлигини англатувчи сўзлар билан бирикиб келиши.

Бундай ҳолларда сон оғирлик ўлчови бирлигини англатувчи грам, كيلو، تن، گرام، كيلو، تن، گرام، كيلو، تن каби сўзлар билан бирикиб келади.

در سال ۹۴ با توليد ۲۵۹ هزار تن مس محتوي فروش شرکت تقريباً ۳۶۰۰ ميليارد تومان شد توليد ۷ هزار و ۵۰۰ مگاوات انرژی تجديديذير برنامه اصلی وزارت نیرو برای کاهش انتشار کربن تا سال ۲۰۳۰ است که اعهد داريم عمده آنرا در برنامه ششم توسعه (۹۹-۱۳۹۵) محقق کنيم

б) соннинг масофа ўлчов бирлигини англатувчи сўзлар билан бирикиб келиши.

Бундай ҳолларда сон масофа ўлчов бирлигини англатувчи сўзлар билан бирикиб келади.

وی کسری سالانه دشت ريزرا حدود ۲,6 ميليون متر مکعب دانست در حوزه حمل و نقل مهمترين دغدغه ما مترو بوده است و طی ۶۰ ماهه گذشته، ۱۷۳ كيلومتر تونل مترو ايجاد کرده ام

5. Соннинг нумиративлар билан бирикиб келиши.

در سال ۱۳۹۴ استان همدان دارای ۲۶۷ هزار فرد بی سواد بود که بر اساس آمار سازمان سوادآموزی در سال ۱۳۹۳ از ۲۶۷ هزار فرد بی سواد استان همدان حدود ۸۷ هزار نفر در گروه سنی ۱۰ تا ۴۹ سال قرار دارند

Замонавий газета аниқ фактларга асосланган, ўқувчига конкрет маълумот беришга қаратилган мақолалар билан характерланади. Бугунги кун қисқалик ва аниқликни талаб қилмоқда. Шундан келиб чиқиб охириги йиллари сонлар қатнашган маълумотларни инфографика орқали ифодалаш ривожланмоқда. Хатто инфографика журналистиканинг янги жанри сифатида талқин қилинмоқда.

Инфографика график, жадвал, диаграмма, гистограмма, шкала кабиларни ўз ичига олади. Маълумотни юқорида санаб ўтилган воситалар орқали етказиш катта ҳажмдаги маълумотни тез фурсатда қабул қилишни таъминлайди.

Газета матнларидаги сонларни диахрон асосда ўрганиш натижасида матнларнинг давр билан ҳамнафас, унга уйғун тарзда такомиллашиб бораётгани маълум бўлди. Маълумотни инфографика орқали ифодалашнинг

кенг тус олиб бораётганлиги – ушбу инфографиканинг маълумотни тез қабул қилиш ва тез тушунишни таъминловчи восита эканлигидан далолат беради. Чунки ўқувчи статистик маълумот қамраб олинган мақоладаги кетма-кет келтирилган сонларни ўқиб, уларни қабул қилиши мушкул. Шу маълумот инфографика орқали бериладган бўлса, уни қабул қилиш тезлашади.

Эрон газеталари таҳлилидан маълум бўлдики, инфографикадан фақат мақолага қўшимча иллюстратив восита сифатида фойдаланиш кенг тус олган. Айни пайтда, инфографика мақоланинг асосий қисми, матн эса қўшимча восита сифатида қўлланилган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Эрон газеталарида инфографика асосан статистик характерга эга мақолаларда кенг қўлланилади. Инфографикани қўллашнинг яна бир афзал жиҳати – у орқали маълумот етказиш газета саҳифасининг кам ҳажмини эгаллайди. Ҳозирги тезкор замонда ўқувчининг узун мақолани охиригача ўқиб чиқишига ҳам ҳеч ким кафолат бермайди. Демак, маълумот тўлиқ қабул қилинмайди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, газета матнларида сонлар қатнашган бирикмаларни ифодалашда инфографикадан фойдаланиш кундан-кунга ривожланмоқда.

Хуллас, сўнгги йилларда чоп этилаётган эрон газеталарида сонлардан фойдаланиш иқтисод саҳифасида кенг ўрин тутди. Сонларнинг инфографика орқали ифодаланиши ҳам ривожланиб бормоқда. Бу эса, инфографика оммавий ахборот воситаларида маълумот етказишнинг энг самарали усулларида эканлиги ва уни янада ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Желтухина М.Р. Специфика речевого воздействия тропов в языке СМИ: автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Москва, 2004. – 44 с.
2. Минемулина А.Р. Оценочные прилагательные в языке современных средств массовой информации: дис. ... канд. филол. наук. – Киров, 2015. – 264 с.
3. Накорякова К. Цифра в публицистическом тексте. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.lenizdat.ru/a0/ru/pm1/c-1027135-0.html#3> (дата обращения 20.01.2011)
4. Симакова С.И. Цифровые обозначения как элемент газетного текста (на примере «Челябинского рабочего»): автореф. дис. ... канд. филол. наук. Челябинск, 2009. – 24 с.
5. Тертычный А.А. Цифра – материя тонкая // Журналист. 2006. № 1. С.76–77.
6. Чернобродова Ю.О. Функционирование собирательных и количественных числительных при обозначении лиц в современной русской речи (на материале местной периодической печати): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2005. – 24 с.